



Тошкент Оқшомми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 6 (11.817)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Юртимизда миллий байрамимиз – 14 январь – Ватан ҳимоячилари кунига катта тайёргарлик кўриляётган шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги тизими олий ҳарбий билим юртлири ўртасида ўтказилган «Энг яхши олий ҳарбий билим юрти» танловида Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти голиб чиқди.



Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

САЛОҲИЯТЛИ ОФИЦЕРЛАР БИЛИМ ЮРТИ

Мазкур анъанавий танловдан кўзланган асосий мақсад – ҳарбий жамоалар ўртасида соғлом рақобатни кучайтириш, тарбиявий ишларни янада такомиллаштириш, ҳарбийлар онгида мамлакатимиз тақдири учун чуқур масъулият туйғусини муштажамлаш, етакчилик хусусиятларини ривожлантириш, соғлом маънавий-ахлоқий муҳит ва фаол ҳаётини позицияни шакллантиришдан иборат.

Мудофаа вазирлигидан маълум қилишларича, йилнинг «Энг яхши олий ҳарбий билим юрти» танлови голибини аниқлаш учун вазирлик тизимидаги олий ҳарбий таълим муассасаларининг моддий-техник базаси, назарий машғулотлар ва амалиёт ўташ жараёни, курсант ва офицерлар учун яратилган шарт-шароитлар, уларнинг интеллектуал, жисмоний ва

жанговар салоҳияти, билим ва малакаси, ўрнатилган ҳарбий тартиб-интизом, курсантларнинг ўқиши, яшаши, спорт билан шуғулланиши ҳамда дам олиши учун яратилган имконият ва қулайликлар атрофлича ўрганилди.

Тошкент олий умумқўшин кўмондонлик билим юрти Куролли Кучларимизга юқори малакали профессионал офицер кадрлар тайёрлаб берадиган етакчи ўқув даргоҳларидан биридир. Катта салоҳият ва малакали педагоглар жамоасига эга ушбу муассасада курсантларнинг замонавий фанлар ва ҳарбий

билим сирларини эгаллаши, спорт билан мунтазам шуғулланиши, маданий-маърифий ҳордиқ чиқариши учун барча зарур шароит мавжуд. Шинам ётоқхоналар, ошхона, замонавий кутубхона, спорт ва компьютер хоналари улар хизматида.

Айни пайтда ўқув жараёнида ҳарбий хизматчиларнинг шахсий ва гуруҳ таркибидидаги тайёргарлик даражаси, интеллектуал салоҳиятини ошириши таъминлайдиган моделлаштириш, симуляция ва ҳарбий таълимнинг бошқа замонавий усуллари билан, хусусан, илғор педаго-

гик технологиялардан кенг фойдаланилмоқда. Курсантларга ҳорижий тилларни ўргатишга алоҳида эътибор қаратиляётир. Буларнинг барчаси юксак салоҳиятли, билимли ва жасур офицерлар тайёрлашда муҳим омил бўляётир.

Билим юртидаги курсант ва офицерлар миллий армиямиз миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танлов ва мусобақаларда муваффақиятли иштирок этмоқда. Хусусан, катта лейтенант Сарвар Аҳмедов, капитан Алимардон Раҳматов, майор Шухрат Умаров Куролли Кучларимиз

тизимда ўтказилган «Энг илғор мутахассис» танловининг «Энг илғор гуруҳ командири», «Энг илғор взвод командири» ҳамда «Энг илғор батальон командири» номинициялари бўйича голибликни қўлга киритди.

– Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида замонавий миллий армиямизмиз барпо этиш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди ЎЗА муҳбирига йилнинг энг илғор гуруҳ командири, катта лейтенант Сарвар Аҳмедов. – Бундай танловлар биз, ҳарбийларнинг жанговар шайлик, касбий маҳорат, билим ва малакаси янада оширишга хизмат қилади, ўз устимизда кўпроқ ишлашга, хизматда масъулиятни чуқур ҳис этишга ва янада фаол бўлишга ундайди.

Холмурод САЛИМОВ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси таълим тизимининг барча бўғинларида чуқур ўрганилмоқда.

КОНЦЕПЦИЯ ЧУҚУР ЎРГАНИЛМОҚДА

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги томонидан шу муносабат билан ташкил этилган навбатдаги ўқув-семинарда пойтахтимиздаги умумий ўрта таълим мактаблари директорлари, услубчилар, олимлар, маънавият тарғиботчилари ва ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, Республика Миллий гоё ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари М.Курунов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан илғор сурилган Концепция мазмун-моҳиятини ёш авлодга чуқур тушунириш мамлакатимиздаги демократик ислохотлар самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлишини алоҳида таъкидлади. Юртимизда ёшларга замонавий асосда таълим-тарбия берилаётгани юқори малакали ва рақобатбардош мутахассис кадрларни тайёрлашга хизмат қилаётир.

Давлатимиз раҳбарининг маърузасидан келиб чиқадиган қоида ва хулосалар мазмун-моҳиятини ўрта таълим мактабларида ўқувчи-ёшларга самарали ва таъсирчан тарзда тушунириш мақсадида факультатив машғулотлар ва очик дарслар ўтказилмоқда. Унда мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самаралари илғор педагогик технологиялар асосида, интерфаол усулларда тушунириляётир.

Ўқув-семинарда бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан амалий чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbорот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** «Уч чинор» гузарига узоқ йиллар мудофаа тизимида ишлаган фахрийлар иштирокида 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Шайхонтоҳур туманидаги 102-мактабда «Биз мустақил Ўзбекистон келажагимиз» шиори остида воёга етмаган ёшлар тарбиясига бағишланган икки кунлик анжуман ташкил этилди.

✓ **ЭРТАГА** «Соғлом авлод учун» жамғармасининг шаҳар таянч маскани томонидан Сергели туманидаги «Баҳор» ва «Темирйўлчи» маҳаллаларида фертил ёшидаги аёллар ва ҳарбий оилалар вакиллари тиббий кўридан ўтказилиб, тегишли дори-дармон ва витаминлар билан таъминланади.

Баркамол ёшлар — юрт таянчи

ИЛҒОР ҒОЯЛАРГА ҚАНОТ БАҒИШЛАБ...

Пойтахтимиздаги Темирйўлчилар марказий маданият саройида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси ҳамкорлигида «Касбим — фахрим менинг!» мавзуида фестивал ташкил этилди.

Мамлакатимиздаги саноат ишлаб чиқариш корхоналари, инновацион-тадқиқот марказлари, муассасалардаги «Камолот» бошлангич ташкилотлари етакчилари, фаол ва изланувчан йигит-қизлар иштирок этган тадбир ёш мутахассисларнинг билимини ошириш, касб кўникмаларини шакллантириш, илғор йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

Ўзбекистон «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши расисининг биринчи ўринбосари Ф.Мухаммадзонова Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ёшларни етук ва баркамол, ҳеч кимдан кам бўлмаган инсонлар этиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар самарасида изланувчан ва салоҳиятли ёш мутахассислар сафи кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Бу жараёнда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг қатор ижтимоий лойиҳа-

лари, грант дастурлари, кўрик-танловлар ва фестиваллар муҳим омил бўляётир.

Анъанавий тарзда ўтказилаётган «Касбим — фахрим менинг!» касблар фестивали саноат корхоналари, илмий-тадқиқот марказлари, турли муассасаларда меҳнат қилаётган ёшларнинг илғор ғоялари ва инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда амалга татиқ этиш имконини бераётир.

Фестивалда ёшларнинг саноат, ишлаб чиқариш соҳаларида эришаётган ютуқлари, инновацион янгиликлари ва илмий изланишларига бағишланган тақдирот, улар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкил этилди.

Фестиваль якуни бўйича турли номиницияларда голиб бўлган ёшларга диплом ва совринлар топширилди.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Олий Мажлис Қонунчилик палатасида «Инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланиши: тажриба ва истиқбол» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

• Миллий хавфсизлик хизмати чегара кўшинларида ўз хизмат бурчини ўтаётган 30 дан ортиқ ҳарбий хизматчилар оилалари Ватан ҳимоячилари кунини кўшалоқ байрам сифатида нишонлайдиган бўлишди. Гап шундаки, Бухоро шаҳрида улар учун барча қулайликлар яратилган янги гоёт қаватли уй фойдаланишга топширилди.

• Янги йилнинг дастлабки кунларида Қўқон шаҳридаги «Имано Групп» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида беш турдаги пойабзал тайёрлаш ўзлаштирилди. Натижада бу ерда ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ортиб ўнлаб янги иш ўринлари яратилди.

• «Ҳамкорбанк»нинг 250 миллион сўмлик кредити эвазига Олтинқўл туманида бўз ва чит маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Абдумалик сўнмас орузси» хусусий корхонаси ташкил этилди. Хорижнинг замонавий технологиялари билан жиҳозланган янги корхонада дастлабки 15 миллион сўмлик мато тайёрланди, савдо шохобчаларига етказиб берилди.

• Избоскан туманидаги «Эркин» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида тадбиркор Иброҳимжон Назиров томонидан замонавий гузар қурилиб фойдаланишга топширилди. Бир қатор савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари ўрин олган ушбу мажмуани бунёд этиш учун 82 миллион сўм маблағ сарфланди. Натижада қишлоқ ёшларидан 13 нафари ишли бўлди.

• Нуробод туманидаги «Ҳайдаробод» фермер хўжалиги қошида паррандачилик фермаси иш бошлади. Замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган фермада йилига 125 минг дона тухум етказиб бериш имконияти мавжуд.

• Шовот туманидаги «Шовот-подшипник» масъулияти чекланган жамиятида автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бунинг учун 20 минг АҚШ доллар микдорда маблағ сарфланди. Натижада жамиятнинг 25 кишилик жамоаси томонидан «GM — Uzbekistan» корхонасига қисқа фурсатда икки турдаги 3000 га яқин эҳтиёт қисм етказиб берилди.

ЖАҲОНДА

• Кеча Суданда мамлакатнинг иккига бўлиниши ёки яхлитлиги сақланиб қолишига бағишланган референдумнинг биринчи кунги якунланди. Овоз бериш жараёни эса бир ҳафта давом этади. Тахминларга кўра референдум натижасида Африканинг ушбу йирик давлати иккига бўлиниб кетиши мумкин. Референдумнинг расмий якунлари февраль ойининг бошларида маълум бўлади.

• Хитой ташқи савдо ҳажми 2010 йилда 2,97 триллион долларга қадар ошди.

• Венесуэла президенти Уго Чавес Америка давлатлари ташкилотини мамлакатнинг ички ишларига аралашганликда айблади.

• Кеча «Iran Air» авиакомпаниясига қарашли «Боинг — 727» русумли йўловчи самолётнинг Эроннинг шимоли-ғарбий қисмида аэропортга қўниш чоғида фалокатга учраши натижасида 71 киши ҳаётдан кўз юмди, 35 нафар йўловчи турли даражадаги тан жароҳатларини олди. Ҳозирда самолётнинг «қора кути»ларидан бири топилиб, ўрганилмоқда. Дастлабки тахминларга кўра, авиаҳалокатга кучли шамол ва қалин қор ёғиши сабаб бўлган.

• Кеча Тунисда ишсизликнинг ортиб боришига қарши намойишга чиққан ёшлар ҳамда полиция ўртасидаги тўқнашув натижасида камида 14 киши ҳаётдан кўз юмган.

• Шарқий Хитой денгизинида Хитой ҳамда Американинг ҳамкорликдаги ҳарбий машқлари бошланади.

• Араб денгизинида Багам ороллари байроғи остидаги «Фронт варриор» ва Норвегиянинг «Аустрия» улкан танкерлари Сомали қароқчилари ҳужумига дуч келди. Қароқчилар танкерларга тезу-рар қайиклардан снаряд отган бўлсаларда, бахтли тасодиқ туфайли кемалар ва экипаж аъзоларига зарар етмаган.

Мамлакатимизда Президент Ислон Каримов раҳнамолигида амалга ошириладиган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар жараёнида бозорнинг барча бўғинларини ривожлантириш механизми яратилди. Кўчмас мулк бўйича амалга ошириладиган битимли раҳнамолий бозор муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. Бу борадаги фаолиятни тартибга солиш, уни давлатимизнинг фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ижтимоий йўналтирилган иқтисодий сиёсати тамойилларига мувофиқлаштириш мақсадида миллий қонунчилигини такомиллаштирилмоқда.

уларга бўлган ҳуқуқлар, кўчмас мулк бозори ва унинг иштирокчилари ҳолатини таҳлил этиш ҳамда прогноз қилиш, мазкур бозорнинг конъюктураси, бу борадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги ахборот билан таъминлаш, шунингдек, кўчмас мулк объектлари реклама-сининг тарқатилишини ташкил этиш, битим тарафларини танлаш бўйича тавсияларни ўз ичига олади.

2010 йил 22 декабрда Президентимиз Ислон Каримов мамлакатимиз парламентини томонидан қабул қилинган "Риэлторлик фаолиятни тўғрисида"ги қонунни имзолади. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Амалик қонун ҳужжатлари мониторингини институти гуруҳ раҳбари вазифасини бажарувчи Дмитрий ОГАЙ ЎЗА мухбирига ушбу қонуннинг мазмун-моҳияти, вазифалари ва асосий қондалари ҳақида сўзлаб берди:

қани ҳам бу қанчалик катта муаммо эканидан далолат беради. Энди бундай тадбиркорликни фақат ҳуқуқ доирасида амалга ошириш учун "Риэлторлик фаолиятини тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Уни ишлаб чиқиш чоғида бу борадаги халқаро ҳуқуқий стандартлар, шунингдек, кўплаб хорижий мамлакатлар таҳрибаси ўрганиб чиқилди. Масалан, Бельгия, Германия, Голландия, Люксембург, Францияда риэлторлар фаолияти ("realtor" сўзи инглизчада кўчмас мулкни сотувчи агентни англатади) лицензия бериш

ҳуқуқларга доир битимларни тузиш чоғида воситачилик, кўчмас мулк объектларининг ва уларга бўлган ҳуқуқларнинг савдосини ташкил этиш, кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш, шунингдек, кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш кўзда тутилган.

Мисол учун, воситачилик, яъни кўчмас мулкнинг олди-сотдиси, ижараси, гарови, айирбошланиши, ҳада этилиши, рентаси, кўчмас мулкдан текин фойдаланиш ва умрбод таъминлаш шартли билан уй-жойни

Иқтисодиёт

ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР

Мамлакатимизда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш масаласига ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар самараси фармацевтика санати соҳасидаги ижобий ўзгаришларда ҳам аяққол кўзга ташланаётир.

Пойтахтимиздаги «Замона Рано» масъулияти чекланган жамиятида ҳам хориждан келтирилган замонавий технологиялар қуввати билан ишлаб чиқариладиган сифатли маҳсулотлар маҳсулоти идишларда қадоқланган ҳолда сотувга чиқарилмоқда. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган маҳсулот тайёрлаш имконини бераётган корхона қошидаги 101 гектар майдонда доривор ўсимликлар етиштириладигани хом ашё билан узлуксиз таъминлашда муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаш ўрнили.

Эътиборли томони, ўтган йилни муваффақиятли аяқлаб, 2011 йилни кўтаринки кайфият билан бошлаган корхонада Халқаро стандартлаштириш кўмитасининг ISO 9001 сифат сертифицирати жорий этилиши қўллаётгани эзгу мақсаддан даракдир.

Ҳозирги кунда жамиятда меҳнат қиладиган 50 нафар ишчи-хизматчи томонидан тайёрланаётган 15 турдаги доривор ўт, шунча турдаги шифобахш ўсимликлар аралашган маҳсулоти чойлар нафақат республикамиз вилоятларига, балки кўшни давлатларга ҳам етакчи берилаётгани диққатга сазовор, албатта.

Президентимизнинг 2007 йил 19 ноябрдаги «2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика тармоғи корхоналарини модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш Дастури тўғрисида»ги Қарори асосида «Замона Рано» МЧЖда хом ашёни ўстириш, йиғиш, саралаш, қадоқлаш, қўйинг-ки, истеъмолчига етиб боришигача бўлган жараёнларнинг барчасида сифатга катта эътибор қаратиляпти. Корхонанинг «Рано» савдо белгиси билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлари 2009 йилда Швейцариядаги Экология бозори институти (IMO) томонидан экологик тоза маҳсулот, дея эътироф этилиб, халқаро сертификатни қўлга киритгани беҳиз эмас.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида корхонанинг қўзлаган мақсадлари бисёр, маҳсулот турларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш борабарда экспортни ҳам юксалтириш режаларин.

ЯНГИ РЕЖАЛАР БИЛАН

«Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмасида ўтган йилнинг 9 ойида 559,6 минг тонна пўлат, 5438 минг тонна тайёр прокат ва қиймати 14,2 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилган.

Мазкур комбинатда замонавий технологиялар ва ускуналарни харид қилиш орқали ишлаб чиқариш босқичма-босқич модернизацияланмоқда, техник қайта жиҳозланмоқда. Корхона бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик юритиш таҳрибасини бойитиб бормоқда, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш ва ўз маҳсулотини жаҳон бозорига олиб чиқиш бўйича узоқ муддатли дастурни изчил амалга оширмоқда. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, унинг таннархини пасайтириш, сифат ва рақобатбардошлигини оширишга бу ерда алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йилнинг ўзида бир неча турдаги янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Темир-бетон конструкцияларини арматура билан мустаҳкамлаш учун ёйилган пўлат, металл конструкцияларда қўлланиладиган тенг бурчакли пўлат конструкцияларни пайвандлашда фойдаланиладиган маҳсул қопламали пайвандлаш электродлари, металл листларни кўчириш учун юк кўтаргич электр магнитлар, қора металл қуймаси ва парчаларини кўтариш механизмларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган «2009—2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш техникавий технологик қайта жиҳозлаш бўйичи энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашга ҳам корхонада алоҳида эътибор қаратилган. Масалан, прокат цехида авто матлашган бошқарув тизимини модернизация қилиш яқунланди. Бу, ўз навбатида, тизимларнинг янада ишончли ишлашини таъминлаш, металл ёядиган дастгоҳ унумдорлиги ва тайёрлаётган маҳсулот сифатини ошириш имконини бермоқда.

Бундан ташқари, бирлашма автомобиль санати учун дастлабки маҳсулот — мис ва лату ҳалқалар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Пўла эритиш ва прокат ишлаб чиқаришда эскирган ускуналарни алмаштириш бўйича лойиҳа ҳа яқунлаши арафасида.

Жорий йилда бир неча турдаги янги маҳсулотлар, электр энергиясини камида беш фойтежаш имконини берадиган кўп функцияли мосламаларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсад қилинган.

Мухаббат ҲАБИБУЛЛАЕВ

Қонун кучга кирди

КўЧМАС МУЛК БОЗОРИ ҚОНУН ОРҚАЛИ ТАРТИБГА СОЛИНМОҚДА

орқали тартибга солинади. Бундан ташқари, мамлакатимиз кўчмас мулк бозорида маҳсул тадиқот ўтказилди ва амалдаги қонунчилик ўрганилди. Мазкур тадиқотлар давомида «риэлторлик фаолияти» тушунчаси ва риэлторлар ҳамда бундай хизматлардан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини аниқ белгилайдиган тегишли нормаларни қонуний таърифлаш зарурлиги аниқланди. Шундай қилиб, қонунни қабул қилишдан кўзланган мақсад — Ўзбекистонда кўчмас мулк бозори иштирокчилари ва давлатнинг манфаатлари мос келадиган риэлторлик фаолиятини босқичма-босқич ривожлантиришга йўналтирилган ягона тизимни яратишдан иборат.

Янги қонунда юридик ва жисмоний шахсларнинг кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти энди ваколатли давлат органи томонидан бериладиган лицензия асосида амалга оширилиши белгиланган. Бундан ташқари, риэлтор малака сертификати ва ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилиш полисига эга бўлиши керак. Қонун мазкур талаблар орқали риэлторлик фаолиятини тартибга солиш ва назорат қиладди.

Унда барча турдаги риэлторлик хизматлари, яъни кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган

(квартирани) бошқа шахсга бериш билан боғлиқ ҳаракатлар буюртмачи билан тузилган риэлторлик хизматлари кўрсатиш шартномаси асосида риэлторлик ташкилоти томонидан амалга оширилади. Бунда риэлторлик ташкилоти мазкур битимларнинг бевосита бирон-бир тарафи бўлиши мумкин эмас. Савдоларни ташкил қилиш ҳам буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади. Бу хизмат савдони ўтказиш тўғрисида ва унинг яқунлари ҳақидаги хабарномаларни тайёрлаш ҳамда эълон қилиш, савдога қўйилаётган кўчмас мулк объектларини реклама қилиш, савдода иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш, закатлар тўғрисида келишувлар тузиш, савдони ўтказиш, ўтказилган савдо яқунларига доир баённомани расмийлаштириш, сотувчилар ва сотиб олувчилар ўртасидаги ҳисоб-китоб учун шарт-шароитлар яратишни ўз ичига олади. Кўчмас мулк объектларини ишончли бошқариш бўйича фаолият — бу алоҳида шартнома асосида берилган кўчмас мулк объектларини риэлторлик ташкилоти томонидан ўз номидан ҳақ эвазига муайян муддат давомида бошқарув муассисининг ёки у кўрсатган шахснинг (фойдалувчининг) манфаатларини кўзлаб бошқаришнинг амалга оширилишидир. Риэлторларнинг ахборот ва маслаҳат хизматлари буюртмачини кўчмас мулк объектлари ва

ушунтирди. Турли эرتак қаҳрамонлари иштирок этган тадбирда «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан болажонларга ширинликлар, турфа хил ўйинчоқлардан иборат совғалар улашилди.

— Қишки таътил кунларида бундай қувноқ тадбирларни ўтказишдан мақсад, — дейди «Соғлом авлод учун» жамғармаси шахар таянч маскани раҳбари Маҳбуба Маҳкамбоева, — кўнгли ўксик, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳолидан хабар олиш, улар кўнглига илиқлик, хуш кайфият улаиши, болажонларни фақат дори-дармонлар билан эмас, балки меҳр билан доволаш, кўнгилларини кўтаришдан иборат. Шу билан бирга ўсмир ёшларни жисмонан соғлом ва бақувват бўлишлари учун спорт турлари билан шуғулланишга қизиқтириш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлашдир.

Турли-туман тадбирларда ўсмир-ёшлар спорт мусобақаларида катта қизиқиш билан иштирок этдилар, қувноқ куй-қўшиқларга рақс тушиб, дилдан ярашди, кўнгиллари осмон қадар кўтарилди.

Дилдора АҚРОМОВА СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Козим Ўлмасов олган сурат



МЕҲР ТАФТИДАН ДИЛЛАР ЯЙРАДИ

Азалдан маълумки халқимиз меҳроқибатли, болажон. Ҳаётда қийналган, меҳр-муруватга муҳтож инсонларни беминнат қўллаб-қувватлаб, саховат ва савобни эзгу ва шарафли иш ҳисоблаб келган.

Шулардан келиб чиққан ҳолда Олмазор тумани ўзаро ижтимоий ёрдам Меҳрибонлик жамияти томонидан ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида тумандаги кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногирон фарзандлари бор оилалар учун Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғида хайрия тадбири ўтказилди.

«Камолот» ЁИХ туман бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда 50 нафардан ортиқ болажонлар ва оналар иштирок этиб яйрашди, дилрабо куй-қўшиқларга рақсга тушиб, ҳомийлар томонидан топширилган совғалардан кўнгиллари қувноқ ва шодликка тўлди.

—Мақсадимиз болажонларимиз кўнглини кўтариш, ҳамиша давлатимиз эътиборида, ғам-ўрғингиде эканликларини, ҳаётда ёлғиз эмасликларини кўрсатиб, дардларига малҳам бўлишдир, — дейди жамият раиси Дилфуза Ражапова. — Токи инсондан фақат эзгу ва савоб ишлар, яхшилик қолишини ҳеч биримиз унутмайлик, қўлимиздан келганча меҳримизга муҳтож инсонларнинг доимо ёнида бўлайлик.

Шоира МУҲАМЕДОВА Ҳақимжон Солиҳов олган сурат

Жамғармаларда

ХУШ КАЙФИЯТ БАХШ ЭТИЛДИ

Қизгин давом этаётган қишки таътил шодиёналари болажонлар қалбига бир олам қувноқ, завқ-шавқ бағишламоқда.



«Соғлом авлод учун» жамғармасининг шахар таянч маскани мурувват йўналишида хайрия тадбирларини уюштириш, Давлат дастурларининг ижросини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий муассасалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, Меҳрибонлик уйлари, маҳсул мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар фарзандларини қўллаб-қувватлаш борасида кенг камровли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жумладан, жамғарма ташаббуси билан таътил кунларида 30-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари, 172-, 300-мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг боулинг тури бўйича

ўтказилган мусобақа болажонларнинг қалбини қувноқга тўлдириди. «Биз бирга кучлироқмиз» ширин остида ўтказилган тадбирда ёшлар фаол иштирок этдилар. «Бастет» болалар гуруҳининг мусиқий чиқишлари тадбирга ўзгача файз киритди. Иштирокчилар ширинликлар билан сийланди.

Шунингдек, жамғарма «Камолот» ЁИХ шахар бўлими билан ҳамкорликда ижтимоий ҳимояга муҳтож ва имконияти чекланган фарзандлар қалбига илиқлик ва қувноқ улаиши мақсадида У.Қурбонов номидаги болалар руҳий асаб хасталиклари касалхонасида, шахар онкология диспансерида даволанаётган болажонлар учун ҳам қизиқарли тадбирлар

САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

Шифо масканларида

ХИЗМАТЛАРИ ТАҲСИНГА ЛОЙИҚ

Маълумки, Президентимизнинг «Республика тиббиёт муассасаларининг фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Қарори билан 2007 йил 2 октябрдан Эндокринология илмий-текшириш институти Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббий эндокринология марказига айлантирилди.



Марказда бугунги кунда 6 та илмий лабораториялар, ташкилий-услубий бўлим ва илмий-тиббиёт кутубхонаси мавжуд. Шу билан бирга марказ клиникаси ва унинг 12 та бўлими, поликлиникада эса лаборатория ва функционал ташхис бўлимлари, дорихона, рентген хонаси, ультратовуш ташхис, гастродуоденоскопия, стоматология хоналари беморларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

— 246 ўринга мўлжалланган марказ ҳозирги кунда катта илмий ташкилот ҳисобланиб, унинг фаолияти «Даволашда, ўқитишда ва амалиётда илм-фаннинг янги ютуқларини татбиқ қилиш» шioriга асосланиб ташкил қилинган. Мазкур шифо маскани республикада эндокринология соҳаси бўйича илмий, даволаш-маслаҳат ва ташкилий-услубий бош марказ ҳисобланади, — дейди биз билан суҳбатда Республика ихтисослашган илмий-амалий тиббий эндокринология маркази директори, профессор Саид Исмоилов. — Марказда асосий илмий йўналишлар қуйидагилардан иборат: республикада асосий эндокрин касалликларининг тарқалиши, клиник кечиб жараёнлари, даволаш ва олдини олиш, республикада эндокринология хизматининг илмий асосланган усулларини ишлаб чиқиш, гормонларнинг таъсир механизми, метаболизмнинг гормонал бошқарилишини ўрганиш шулар жумласидан. Эндокринология маркази Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг болалар эндокринология кафедраси ва

Врачлар малакасини ошириш институти эндокринология кафедраси учун база ҳисобланади. Унинг клиник базасида ҳар йили ўнлаб шифокорлар ва илмий ходимлар ўз малакаларини оширадilar. Шуни ҳам айтиш керак, бугунги кунда ҳар бир вилоятда, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасида малакали мутахассислар билан таъминланган эндокринология диспансерлари фаолият кўрсатмоқда. Марказ ходимлари эндокрин диспансер шифокорлари билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш муассасаларига тиббий ёрдам кўрсатмоқдалар. Шуни таъкидлаш кераки, марказда республикада биринчи марта эндокрин хирургия мактаби тўзилди, эндокрин безларни криоконсервация ва трансплантация қилиш бўйича илмий излашлар бошланди. Операция жараёнида экспресс таҳлил ўтказиш учун гистоморфология кабинети ташкил этилди. Бу усул калконсимон без саратонининг олдини олишни зудлик билан амалга оширишда жуда қулайлик туғдиради. Лаборатория ва эндокрин хирургия бўлими ходимлари турли безлар (калконсимон ва қалконсимон олди безлари, буйрак усти безлари, ошқорзон ости бези ва жинсий безлар) касалликларининг этиологияси, патогенези, кечиб хусусиятлари, ташхис стандартларини ва самарали даволаш усулларини ишлаб чиқиш, хирургик даволашга оид кўрсатмалар устида излашлар олиб бормоқдалар. Эндокрин хирургия бўлимида ҳар йили 600 дан ортиқ операциялар

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида мамлакатимиз Президентининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва «Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги Қарорлари дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Дунёда она бўлишдек буюк неъмат бормикан? Соғлом фарзандни дунёга келтиргунча илк бор оналик бахтини ҳис этган аёл ана шундай нуқтилас кунларни бир умр ёдида сақлайди.

ДАСТУР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

лан оналарнинг репродуктив саломатлиги ва соғлиғи муҳофаза қилиниб, уларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатишда — дейди марказий поликлиника бош шифокори Қундуз Сайдалиева. — Бу жараёнда албатта, шифокорлар малакаси катта ўрин тутди. Ўз билимларини ошириш устида пухта ишлайдиган шифокорлар сонининг кўпайиши аҳолининг тиббий маданиятини оширишга ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Авалло онанинг мустаҳкам бўлиши она ва боланинг саломатлигига узвий боғлиқдир. Она соғлом бўлсагина, ундан жисмонан ва ақлий жиҳатдан соғлом фарзанд дунёга келади. Шу боис қизларимизнинг ўсмирлик даврида репродуктив саломатлигига катта аҳамият берилмоқда. Даволаш-профилактика муассасамизда бу борада махсус штаб ташкил этилиб, ҳудудимизда истиқомат қилувчи барча аҳоли, жумладан, ўсмир қизлар, аёллар тиббий қўриқдан ўтказилмоқда.

Репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида маҳалларда, мактаб ва коллежларда мутахассислар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Туман марказий кўп тармоқли поликлиникасида соғлом бола хонаси ташкил этилган бўлиб, бу ерда

Макур қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида Бектемир туман тиббиёт бirlашмаси маҳаллалар билан ҳамкорликда ҳар бир маҳаллада туғиш ёшидаги аёлларни диспансеризациядан ўтказиб, болалар, аёллар, ўспирин қизлар саломатлигини изчил ўрганиб чиқди.

Туманда 12 та маҳалла, 5 та мактаб, битта коллеж ва 12 та мактабгача таълим муассасалари мавжуд. «Соғлом она — соғлом бола» дастурига асосан фертил ёшидаги аёлларни ва 14 ёшга бўлган қиз болаларни юз фоиз қамраб олган ҳолда чуқурлаштирилган мажмуавий тиббий қўриқни ташкил этиш, соғломлаштирувчи тадбирлар ўтказиш, соғлом оилани шакллантириш мақсадида қизларга малакали маслаҳатлар бериш, репродуктив саломатлигини сақлаш ва соғлом оилани шакллантириш муаммолари бўйича ёшлар ҳамда ёш оилалар орасида тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

—Мажмуавий чора-тадбирларни амалга ошириш йўли би-

С ВИТАМИНИ — САЛОМАТЛИК МАНБАИ

С витаминига кўпчилик унча аҳамият бермаслиги мумкин. Улар ҳар қандай касалликнинг олдини олиш, иммунитетни кўтариш хусусиятига эга бўлиш билан бирга, организмни турли хил микроблардан ҳимоя қилади.

Демак, С витамини барча инсонлар учун ўта хавфли паразитларга, микробларга қирон келтириб, саломатлиқни тиклаш қобилиятига эгадир.

- Организм — биохимия, С витамини эса уни ишга солиб, асаб толарига ижобий таъсир қилиб тинчитиш хусусиятига эга.
- Неъматлар орасида С витаминига энг бой — лимон. Ҳар бир хонадонда 1-2 туп лимон бўлиши — хонадон соҳибларининг саломат яшашлари демакдир.
- Лимоннинг олтин туслиги энг яхши нав бўлиши билан пўсти юпқа, сершарбатдир.

Нонушта қилишдан 15-20 дақиқа аввал лимоннинг яримтасини сиқиб, 1 қошиқ шакар солиб яхшилаб аралаштириб, 4-5 кун ичиш С витаминига бўлган эҳтиёжни, шубҳасиз, қондиради.

- Чунончи, милк ва тишни мустаҳкамлаш, шамоллаш, чарчаш, уздаги ажинларни йўқотиш, кўз нуруни тиклаш, томоқ, сўлак безини даволашда лимоннинг асқотиши амалда синалган.
- С витаминининг тишларни мустаҳкамлаш, қон босимини меъёрлаштириш, қон томири деворларини тозалаб мустаҳкамлаш, ички организмни чиқиндилардан тозалашда аҳамияти жуда катта.
- С витамини етишмаслиги оқибатида қон томирлиқ деворларининг ёрилиши, инфаркт, инсултьт юз бериши мумкинлигини айрим беморлар билмасликлари мумкин.

Ҳа, лимон, ундаги С витамини минг дардга даво дейишга асос бор.

Турсунхўжа АЗЛАРҚОНОВ тайёрлаган

Мутахассис маслаҳати УМУРТҚАЛАРАРО ДИСК ЧУРРАСИ ҚИЙНАСА...

Бугунги кунда турли хил касалликлар билан оғриган беморлар орасида умуртқалараро диск чурраси касаллигидан шикоят қилувчилар сони кўпчиликни ташкил этмоқда. Ҳўш, бу қандай касаллик? Унинг олдини олиш ва даволаш чора-тадбирлари қандай? Ушбу саволларимиз бўйича бизга тиббиёт фанлари номзоди Наримон Халмеев қуйидагиларни гапириб берди.

Бугунги кунда остеохондроз, умуртқалараро диск чурраси, бугим ва умуртқаларининг яллиғланиш касалликлари, остеоартроз — оғриқларнинг энг кўп сабабчиси ҳисобланади. Шунингдек, мушак-бойлам аппарати зўриқиш тушган беморларни асосан спортчилар-футболчилар ва бадий гимнастикчилар ташкил этади. Ҳозирда бел соҳаси оғриқларидан озор чекадиган беморлар сони шунчалик ошиб кетганки, бу ҳатто ихтимол муаммо даражасига кўтарилиди. Қўриқ ёшга етган одамларнинг деярли барчаси бир марта бўлса ҳам белдаги оғриқдан шикоят қилиб шифокорга мурожаат этган ёки мушакни даволашдан тананинг пастки қисмидаги оғриқларнинг кенг тарқалиши ёмонлашган экологик ҳолат, камҳаракатлилик, юқори калорияли маҳсулотларни истеъмол қилиш ва стресслар билан боғлиқдир. Бу ҳолатларни инкор этиш қийин.

Сўнгги йигирма йилда умуртқалараро диск чуррасининг кўпайиши фақат атроф-муҳитнинг ўзгариши билан изоҳланмайди. Белдаги оғриқларни даволашдаги биринчи муаммо, бу — нотўри ташхис қўйишдир. Чунки бундай белгилар билан кечадиган касалликларнинг камида 15 хил тури мавжуд. Одатда беморларнинг кўпчилигида бир вақтнинг ўзига оғриқларнинг икки-уч сабаблари борки, бу тўғри ташхис қўйишни анча қийинлаштиради. Оғриқ синдромининг бошқа сабабларидан бири юқори оғриқ таъсирига эга бўлган умуртқалараро дискнинг зарарланиши, унинг фрагментларининг умуртқа каналининг ўттиш жойига бўртиб қолиши ва асаб элементларининг қисилиб қолишидир.

Кўп учрашига қўра, белдаги оғриқлардан иккинчиси белдаги бойламларнинг бекарорлиги туфайли пайдо бўлади. Уни бартараф этиш мумкин. Чунки бу ҳолат умуртқа чурраси ва

Ҳамкорлик ИЛҒОР ТАЖРИБА МАКТАБИ

Тошкент шаҳар Нефрология маркази яқинда ўзининг 15 йиллигини нишонлади. Замонавий бинонинг қуриб битказилиши эса ана шу санага муносиб совға бўлди.

Буйрак касалликлари профилактикасини кенг йўлга қўйиш мақсадида шифобахш даргоҳ энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди.

Шу ўринда хорижда ишлаб чиқарилган сунъий буйрак аппаратларини алоҳида кўрсатиб ўтиш жоиздир. Бундай мураккаб қурилма ёрдамида ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилигида кислота ва ишқорлар мувозанати ва электролитлар таркиби аниқланади. Қон таркибини бир меъёрда сақлаш, қонни ультрафильтрациялашда ҳам аппарат шифокорнинг яқин кўмакчасига айланиб қолди.

Марказ малакали шифокорлар жамоасига ҳам айланди. Айниқса, истеъдодли ёш шифокорлар малакасини оширишга катта аҳамият берилмоқда. Тошкент врачлар малакасини ошириш институти билан ҳамкорлик кенг йўлга қўйилди. Ушбу институтнинг урология ва нефрология кафедраси айнан марказда фаолият кўрсатаётгани нур устига аъло нур бўлди. Кафедра замонавий гемодиализ аппаратлари билан бойиди.

Марказ шифокорлари нафақат шаҳар аҳолисига, балки республикамиздан келган беморларга ҳам хизмат кўрсатмоқда. Касалликларга ташхис қўйиш, керакли тавсиялар беришда ҳам ҳамкорлик кўриб келмоқда.

Шифобахш даргоҳ томонидан орттирилган бой тажрибалар мамлакатимизда хасталикларни даволашда ўзига хос мактаб бўлиб хизмат қилмоқда.

Қозим Ўлмасов олган сурат

Алоқа ФОЛИБЛАР НОМИ АНИҚЛАНДИ

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига оид илмий-техник вазифаларни ҳал этишда рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатининг салмоқли ҳиссаси бор. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида техника ижодкорлари салоҳиятидан ҳам унумли фойдаланилмоқда.

Алоқа воситаларининг техник ҳолатини яхшилашга йўналтирилган ишланмалардан бир нечтаси агентлик томонидан муносиб тақдирланди. Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий-техника жамияти мутахассислари тадқиқотлари ҳам энг яхши ихтиролар деб топилди. «Рақамли имзони шакллантириш ва аутентификация усули» деб номланган ихтиро муаллифларнинг юзлари ёруғ бўлди. Патент тарикасида эътироф қилинган бу излашниқ соҳанинг муҳим томонлари илмий асослаб берилди.

«Техник воситаларнинг аппарат-дастурий мажмуаси» эса биринчи даражали диплом ҳамда пул мукофотига сазовор бўлди. Бир гуруҳ мутахассислар тақдим этган «Радиочастоталарни бериш бўйича маълумотлар банки ва радиоэлектрон қурилмаларнинг техника параметрларини улаш» деган мавзуда бажарилган тадқиқотга ҳам ижобий баҳо берилди.

«Радио воситаларни кучланиш ортиб кетишидан ҳимоялаш қурилмаси» муаллифлари ушбу янгиликни амалиётга татбиқ этиш йўлида самарали изландилар. Шунингдек, «Ўзбек-телеком» акционерлик компанияси «Шаҳарлараро алоқа корхонаси» томонидан тақдим қилинган рационализаторлик тақлифи ҳам муаллифларнинг ижодий салоҳиятидан дарак бериб турибди.

ФАОЛ МОБИЛЬ ОПЕРАТОРЛАРИ

«Узпайнет» масъулияти чекланган жамияти аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар орасида бешта мобиль алоқа оператори, 20 дан ортиқ интернет, стационар телефон алоқаси оператори ҳам бор.

Ҳозир жамият тармоғидаги тўлов қабул қилиш пунктлари сони 20 мингдан ортиб кетди. Уларнинг ҳар бирида шахсий компьютер ва сотиш пункти терминалида ишлаш кўникмасига эга операторлар хизмат қилмоқда.

Бу ташкилот фаолияти кенгайиб бориши натижасида 25 минг иш ўрни юзга келди. Алоқа-телекоммуникация, коммунал ва бошқа хизмат турларидан фойдаланётганлар жамиятнинг миқозларига айланганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиздир.

Акбар АЛИЕВ

